



TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR HARAKATI
— O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI
NASHRI

2011 йил 26 май, пайшанба
21 (393)-сон,
E-mail: axborot@xlasr@yahoo.com

XLASR

ITIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқиб бoshланган



КИЧИК БИЗНЕС ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ
КЕНГАЙТИРИШ УЧУН
БИЗНЕСНИНГ ЯНГИ ТАШКИЛИЙ-
ҲУҚУҚИЙ ШАКЛИ СИФАТИДА
ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ ҚОНУНИЙ
БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИШ ВАҚТИ КЕЛДИ



«АСАКАБАНК» САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛДА КИЧИК
БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
УЧУН 13 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА
САРМОЯ АЖРАТИШ, ШУ ҲИСОБДАН
200 ГА ЯҚИН ЯНГИ ИШ УРИНЛАРИ
ЯРАТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН



ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ДУНЁНИНГ ҚАТОР
ДАВЛАТЛАРИДА СЎЛ ПАРТИЯЛАР
ВА УЛАРИНИНГ БАЛАНДПАРВОЗ
ВАЪДАЛАРИГА ИШОНЧ СЎНИБ
БОРАЁТГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ
ХАБАРЛАР КУНДАН-КУНГА ОРТИБ
БОРАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДА

Дастур қабул қилинди

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНИНГ 24 МАЙ КУНИ БЎЛИБ
ЎТГАН МАЖЛИСИДА «МАМЛАКАТИМИЗДА
ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
КОНЦЕПЦИЯСИ»ГА МУВОФИҚ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АЙРИМ
МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (78,
80, 93, 96 ВА 98-МОДДАЛАРИГА)ГИ
ҚОНУНДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН
ТАЛАБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ» ҚАБУЛ
ҚИЛИНДИ

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши парламентнинг назорат йўналишидаги ваколатларини кескин кучайтириб, парламент фаолиятини бутунлай янги даражага олиб чиққанини таъкидлаш лозим. Хусусан, эндиликда ҳукумат раҳбари ваколатига кирувчи масалалар юзасидан парламент олдида ҳисобдорлиги, ёки депутатларнинг учдан бир қисми қўллаб-қувватлаган тақдирда ишончсизлик вотуми механизмнинг ишга туширилиши каби янгиликлар шулар жумласидандир.

Конституциянинг айрим моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг маъно-мазмунини таҳлил қилар эканмиз, улар ҳукуматнинг ўз жавобгарик доирасидаги вазифаларни мустақил равиш-

да бажариши борасидаги ваколатларини бир қадар кенгайтириш баробарида, Олий Мажлисга ижроия ҳокимияти фаолияти устидан самарали парламент назоратини амалга оширишда мисли кўрилмаган имкониятларни очиб берганлиги билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Яъни, давлат ҳокимиятининг ҳар икки тармоғи ваколатларининг мутаносиб равишда кенгайтирилгани, энг аввало, улар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш тизимини янада мустаҳкамласа, иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг муваффақиятли амалга оширилиши жараёнига нисбатан парламент таъсирини янада кучайтиради.

2 >>>

Қўшма корхоналар сони иккитага ортди

ТОШКЕНТДА ХОРИЖИЙ ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ИШ БОШЛАГАН ЯНА ИККИТА КОРХОНАНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси матбуот хизматидан хабар қилинишича, Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудудига «Автогазтаъминот» шўъба корхонаси, «Ўзбекхиммаш» ОАЖ, шунингдек, Жанубий Кореянинг «KOGAS», «KOLON» ва «NK» компаниялари билан бирга ташкил этилган «KONG CYLINDER» қўшма корхонаси йилига автомобиллар учун 120 минг донга газ баллонни ишлаб чиқариш қуввати-

га эга. «Автогазтаъминот» ШК, шунингдек, «KOGAS», «KOLON», «Kwangshin» ва «EngineTech» каби хорижий компанияларининг сазой-ҳаракати билан иш бошлаган «KONG CYLINDER» қўшма корхонаси эса республикамиз бўйича 50 дан ортиқ автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларини (АГТКС) барпо этиш лойиҳасини амалга оширишни режалаштирмоқда.



Эффективный рост ваших капиталов.

Обод Андижон

АНДИЖОН ШАҲРИДА ИСТИКЛОЛИМИЗНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚ САЙЛИ «БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!» ҲОЯСИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҚАЛБИГА ТОБОРА ЧУҚУРРОҚ МУҲРЛАНИБ БОРАЁТГАНИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ



БУЮК ВА МУҚАДДАСАН,
МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Юртбошимиз 2009 йилнинг май ойида Андижонга ташрифи чоғида вилоятда олиб бориётган кенг қўламли ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиб, «Андижондаги муваффақиятларнинг сабаб ва омилилари кўп, лекин шахсан мен бунинг сирини, аввало, шу элнинг ҳеч кимга ўхшамайдиган аломат фазилатларида, яъни «анжанча» феъл-атворида, деб биламан» дея андижонликлар қалбини гурур ва ифтихорга тўлдирган эдилар. Орадан кўп ўтмай, «Андижон вилоятида 2011-2015 йилларда тураржой массивлари коммунал инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига асосан вилоятта 1 триллион 696 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилгани бунёдкор андижонликларнинг бир ғайратига минг ғайрат қўшди.

— Мен 91 ёшга кирдим. Шунча йил яшаб бундай хурсандчиликни кўрмаганман, — дейди меҳнат фахрийси Исроилжон ота Исмонлов. — Ота-бувамиз, ўзимиз ҳам бир қаватли пастқам уйларида яшаб келдик. Бутун мустақиллик шарофати билан энг замонавий биноларда истиқомат қилаёмиш.

Шу кунги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи ҳам ҳар қачонгидан кўркам ва гавжум бўлди. Оромоғхотги фавворанинг кўкка интилган томчилари тилладек товланиб, қалбларга ошуфталик бахш этди. Кираверинидаги арка янги ҳарфлар билан ёзилган «Ободлик кўнгилдан бошланади» шиори, қарнай-сурнай садолари барчани катта сайлга чорлаб турди. Бокча қадам ранжиди қилганларнинг кўзларида қувонч, гурур ва ифтихор балқиди.

— Соттихон бунингиз билан барвақт келдик, — дейди нахтасободлик Абдуллаҳад ота Абдулҳаев. — Қирқ йилдан ортиқ автомобиль транспорти соҳасида ишладим. 3 ўғил, бир қиз, 17 неварам бор. Юртимиз равнақи, фарзандлар бахту иқболини кўриб, яратганга шукроналар айтаямман.

— Мен Олтинқул туманининг «Маслаҳат» қишлоғиданман, — дейди юзлари нурули Манзураҳон буви Тўйчиева. — Муаллимликдан кексалик таътилига чиқдим. 3 ўғлим, келиларим, невараларим ҳам шу ерда. Бугунги байрам эса замонамиз тинчлиги, давлатимиз куч-қудратидан далолатдир. Шундай улут қунарларга етказганига шукр...

Шаҳардаги Боғи Бобур сайилгоҳида «Палов сайли» бошланди. Ўн олтитта қозондан таралётган «анжанча палов» хиди димоқни қитқилайди.

— Палов — ҳазрати ҳизр таоми, Баҳоддин пирим инъоми, — дейди избосканлик Раҳматилло Иброҳимов биқирлаб қайнаётган қозондан завқланиб. — Шунинг учун ҳам у етти хил неъматдан тайёрланади... Зирворлар устига пўстдубма, қазми босаётган оқ халатли кишига юзланамиз.

— Ҳўжабодлик ошпазлар шаънини ҳимоя қилгани келдим, — дейди Шукржон Расулов. — Худо хоҳласа, қирқ йиллик ҳастанинг дарлига шифо бағишлайдиган ош дамлаймиз.

Ўртадаги саҳнада дастурхонларга палов тортилгунча санъат сайли бошланди. Бир тарафда Хонободу Султонободдан келган Абдулхай Махсум Қозоқов билан Ҳасанбой Султононовнинг шогирдлари, ён сўрида Муҳитдин Дарвешев «ҳовучидан сув ичган» фарғоналик сўз усталари, ўртада Шаҳрихон, марғиловлик аскиябозлар «пайт» пойламоқдалар. Базмин «Ниҳол» мукофоти совриндори, андижонлик Гулмира Абдуллаҳадова бошлаб берди. Қалбларга чексиз ҳузур-ҳаловат бахш этган куй ва ҳўшиқлар, аския ва хандалар, шеър ва табрикларнинг барчаси Андижон халқи, унинг бунёдкор, ташаббускор, мустақилликни чин дилдан севадиган ва уни асраб-авайлаш учун бутун борлигини бахшида қила оладиган мард, танти, меҳнаткаш фарзандларга аталди.

2 >>>

Биз танлаган йўл

ИНСОНИАТ XXI АСРНИНГ ЭНГ ЧИГАЛ МУАММОЛАРИДАН БИРИ — ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИНИНГ ҲАЛИГАЧА ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МУАЙЯН ДАВЛАТЛАР ТОМОНИДАН ТАНЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШДА ДАВОМ ЭТАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛМОҚДА

БУГУНГИ СОНДА:

СЕЙФДАГИ СИР

05 > МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАНДЕК: «ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШ, ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШ, БУЗИШ МАҚСАДИДА ҲАР ҚАНДАЙ УРИНИШЛАРГА ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛАДИ ВА АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНАДИ». Ҳўш, УЧКЎРҒОН ТУМАН ҲОКИМЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ-НАЗОРАТ ГУРУҲИ РАҲБАРИ ЖАНОБ БОЛТАБОВЕВ АНА ШУНДАЙ ТАРТИБ БЕЛГИЛАГАНИДАН НАХОТКИ БЕҲАБАР ЭДИ?

Жорий йилнинг май ойида «Washington Post» газетаси Американинг давлат қарзлари 14,3 триллион АҚШ долларига етгани, агар бу масалада қатъий чоралар кўрилмаса, мамлакат иқтисодиёти тиклашга қаратилган хатти-ҳаракатлар инқирозга юз тутиши мумкинлиги ҳақидаги хавотирли қарашларни эълон қилган бўлса, 27 апрель кун «Независимая газета» Россия энг ками билан яна

ўн йил сиёсий ва социал беқарорлик даврини бошидан кечириши, мамлакатда бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовут 40 баробаргача етганини қайд этди. Мамлакат иқтисодий ривожланиш вазирлиги унинг босари Андрей Клепачнинг таъкидлашича, Россияда илғор фояларни илгари суриши мумкин бўлган қатлам — илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси кишиларининг ярмига яқини ўртача даражадан ҳам кам даромад олаётган. Бу эса айнан ана шу қатламнинг 2020 ва ҳатто

ундан кейинги йилларда ҳам камбағалликда кун кечиришини аналитади...

Халқимизда бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деган мақол бор. Бу дунёнинг аксарият ҳудудларида, ҳатто иқтисодиёти, сиёсий тизими билан бошқаларга ўрнатилган интилаётган айрим давлатлардаги ноҳуш ҳолатлардан ҳулоса чиқаришимиз ҳамда юртимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишимиз лозимлигини аналитади, албатта.

2 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 24 МАЙДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУҲАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, СТАТИСТИК ВА БОШҚА ҲИСОБОТЛАРНИ ЮРИТИШ, ШУНИНГДЕК, БОЖХОНА ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР УЧУН ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚУЙИДАГИ ҚЎЙМАТИНИ БЕЛГИЛАДИ:

1 Австралия доллари	↑ 1798,10
1 Англия фунт стерлинги	↑ 2757,56
1 Дания кронаси	↑ 321,32
1 БАА дирҳами	↑ 463,33

1 АҚШ доллари	↑ 1701,78
1 Миср фунти	↑ 285,87
1 Исландия кронаси	↓ 14,59
1 Канада доллари	↓ 1743,27

1 Хитой юани	↑ 261,90
1 Малайзия рингити	↑ 559,06
1 Польша злотийси	↑ 610,75
1 СДР	↑ 2707,84

1 Туркия лираси	↑ 1068,42
1 Швейцария франки	↑ 1935,16
1 ЕВРО	↑ 2418,23
1 Жанубий Корея вон	↑ 15,57

1 Япония йенаси	↓ 207,89
1 Россия рубли	↓ 60,96
1 Украина гривнаси	↑ 213,30

Мухаррир минбари

Биз танлаган йўл

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан эълон қилинган «2011 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунлари тўғрисида»ги ахборотда 2010 йилнинг шу даврига нисбатан жорий йилнинг I чорагида экспорт ҳажми 128,5, ялпи ички маҳсулот эса 107,6 фоизни ташкил этгани эълон қилинди. Ҳисоботни қайта-қайта таҳлил қилар эканмиз, энг муҳим рақам сифатида жорий йилнинг I чорагида ҳудудий дастурларга мувофиқ 219 мингта янги иш ўрни яратилгани тўғрисидаги маълумотта кўпроқ эътибор қаратгимиз келди. Чунки бу яна шунча оила ўз моддий ва молиявий имкониятларини яхшилаш, давлат томонидан яратилган турли имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди, дегандир. Яна бир муҳим кўрсаткич, бу янги иш ўринларининг 70 фоизи қишлоқ ҳудудларида ташкил қилингандир. Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини бутун дунёнинг энг кўзга кўринган эксперт ва таҳлилчилари ҳам алоҳида эътироф этмоқдалар. 2011 йилнинг биринчи чораги давомида яратилган янги иш ўринларининг 137,6 мингтаси ёки 62,9 фоизи айнан ҳусусий секторда ташкил этилгани эса ана шу эътиборнинг бежиз эмаслигини кўрсатади.

Шу ўринда мазкур соҳага банклар томонидан 865,9 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилгани, унинг 159,8 млрд. сўми микрокредитлар эканига эътибор беринг: мутахассислар бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 1,4 баробар ортганини алоҳида таъкидламоқдалар.

Ҳа, чиндан ҳам, молиявий институтларнинг ҳусусий секторни қўллаб-қувватлашдаги иштироки мамлакат иқтисодиётининг устунига айланган ўрта синф вакиллари ҳам жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш имконини берапти. Молиячилар тили билан айтганда, иқтисодиётнинг қон томири бўлган банкларнинг қишлоқ туманларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги роли ҳам сезиларли даражада ошдики, буни I чор

рақда қишлоқларимизда 843 та чакана савдо, 43 та умумий овқатланиш ва 74 та маиший хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилганида ҳам кўриш мумкин. Булар қуруқ рақамлар эмас, албатта. Зеро, бу ана шундай катта-кичик иншоотлар атрофида аҳолига қанчадан-қанча қўлайликлар яратилгани, ҳудудлар ободонлаштирилиб, замонавий қиёфа касб этаётганини аниқлатади.

Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз туфайли ҳали-ҳануз ўз иқтисодиётини тиклай олмаётган, мавжуд ташқи қарзлари бир ёқда қолиб, янги қарзлар олиш учун ҳали у, ҳали бу давлатга қўллуқ қилиб, уларни «стратегик ҳамкор»га айлантириш илинжида кун кечираётган мамлакатлар қанча? Таҳлилчилар айни пайтда дунёнинг қатор мамлакатларида миллион-миллион киши тўйиб овқат емаётганини, минг-минглаб гўдаклар мактаб у ёқда турсин, қўлида қурол ушлаб беғубор болалигини ўтказётганини афсус билан таъкидламоқдалар.

Ҳа, бу — ҳаёт. Унинг иссиғи ҳам, совуғи ҳам бор. Аммо ана шундай оғир, эртанги кун умиди тобора сўниб бораётган бир шароитда ҳаёт кечираётган айрим миллат ва элатлар кўпинча сиёсий қўллар ёхуд давлат раҳбарлари томонидан танланган нотўғри йўл туфайли шундай аҳволга тушаётганларида шарҳловчилар алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Минг шукрки, XXI аср бўсағасида Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлини танлай олди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг асоси, деб қабул қилинди.

Тўғри, бу йўл Ўртабашимиз таъкидлаганларидек, гуллар экилган текис ва раво йўл эмаслигини қарийб 20 йиллик мураккаб тараққиёт йўлида учраган қанчадан-қанча синов ва машаққатлар ҳам кўрсатди. Бугунги бекёё бунёдкорликлар фақат ва фақат мард, меҳнаткаш халқимизнинг том маънодаги ироласи ва салоҳияти натижаси сифатида пайдо бўлди. Ўз навбатида ана шундай улғувор натижалар эртанги кунимизга мустаҳкам ишонч ҳам бағишламоқдаки, бу ҳар биримиздан жуда катта масъулиятни талаб этмоқда. Зеро, Ўзбекистон бугун янада улкан, янада улғувор марралар сари интилоқда.



Дастур қабул қилинди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Конституциянинг айрим моддаларига киритилган ушбу ўзгаришлар туфайли яратилган имкониятларни тезроқ ҳаётга жорий қилиш, уларни парламент фаолиятига асос қилиб олиш кечиктирмасдан барча йўналишларда — қонун ижодкорлиги, назорат фаолияти, ташкилий ва бошқа йўналишларда бирламчи аҳамиятга эга бўлган тадбирларни белгилаш ва амалга оширишни тақозо этади.

Айнан мана шу зарурат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан юқорида тилга олинган дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласини энг долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйди, десак муболаға бўлмайди.

Дастурнинг мақсади ҳам ана шу муҳим Қонун талабларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича энг долзарб чора-тадбирларни белгилаб олишдан иборат бўлиб, уларнинг рўёбга чиқарилиши ижро этувчи органларнинг қабул қилинган қонун ҳужжатларини сўзсиз бажариш борасидаги фаолияти устидан назорат қилиш борасида қонун чиқарувчи органнинг аҳамияти ва ролини оширишда, ваколатларини чинакамига кучайтиришда жиддий омил бўлади.

Шунинг учун ҳам ушбу дастур О'зЛиДеР фракцияси аъзолари томонидан қизгин қўллаб қувватланмоқда.

Хусусан, фракция аъзоси З.Убайдуллаевнинг фикрича, парламент фаолиятини тубдан ўзгартирувчи ушбу қонун ва унинг ҳаётга жадал жорий этилишини таъминлашга қаратилган дастур лойиҳаси, энг аввало, парламентга назорат механизмида самарали равишда фойдаланган ҳолда мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг амалга оширилишига фаол таъсир кўрсатиш имконини беради. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига дахлдор бўлган бундай дастурлар ижроси фақатгина ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимият органларининг эътиборида қолиб кетиши тўғри эмас. Аксинча уларнинг ижроси устидан қатъий парламент назоратининг ўрнатилиши ушбу дастурлар бажарилишидаги энг мақбул йўللари топишга, қолаверса, амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг шифофлигини, бошқача айтганда, ҳақчиллигини таъминлашга хизмат қилади.

— Шу ўринда дастурдан ўрин олган бир жиҳатга ало-

ҳида эътибор қаратиш лозим, — дейди З.Убайдуллаев. — Дастурда шу йилнинг июль ойида мамлакат Бош вазирининг Қонунчилик палатасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Концепциядаги муҳим бир йўналиш, — демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга доир қисмида белгиланган қоидалар ва вазифаларни амалга ошириш борасида ҳукумат томонидан қўрилаётган чоралар, шунингдек, «Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси тўғрисида парламент эшитувини ўтказиш белгилаб қўйилган. Албатта нафақат О'зЛиДеР ва партия электорати балки мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим бўлган бундай масалаларда бевосита ҳукумат раҳбари ҳисоботини эшитиш биз учун муҳим масалалар юзасидан ҳукумат билан мулоқотга киришиш, шундай муҳим йўналишларда амалга оширилган ва режалаштирилаётган ишлар бўйича тўлароқ маълумот олиш имконини беради. Қолаверса, мана шундай парламент ҳисоботлари даврида ҳукумат олдида ўз электоратимизни ўйлантираётган масалаларни қўйиш ва кейинчалик улар ижросини назоратга олиш имкони туғилади. Шунинг ўзиёқ қабул қилинаётган дастур О'зЛиДеР дастурий мақсадлари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чикувчи вазифаларни амалга ошириш бўйича назорат

функцияларини кучайтириш имконини беришини кўрсатади.

Шунингдек, мажлисда Дастурга мувофиқ парла-

лалар юзасидан парламент палаталари олдида доимий равишда ҳисоб беришлари етакчи давлатлар парламентаризмига хос бўлган

нинг профессионал даражасини юксалтириш ишларини давом эттириш, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини

ДАСТУРНИНГ МАҚСАДИ АНА ШУ МУҲИМ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ БЎЙИЧА ЭНГ ДОЛЗАРБ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШДАН ИБОРАТ БЎЛИБ, УЛАРНИНГ РЎЁБГА ЧИҚАРИЛИШИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУН ҲУҶЖАТЛАРИНИ СЎЗСИЗ БАЖАРИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ БОРАСИДА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ОРГАННИНГ АҲАМИЯТИ ВА РОЛИНИ ОШИРИШДА, ВАКОЛАТЛАРИНИ ЧИНАКАМИГА КУЧАЙТИРИШДА ЖИДДИЙ ОМИЛ БЎЛАДИ.

мент эшитувлари доирасида вазирлик ва идоралар раҳбарларининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси ақунлари тўғрисида», «Коллежалар битирувчиларини улар эгаллаган мутахассисликларга мувофиқ иш билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг ҳолати тўғрисида»ги каби бир қатор масалалар юзасидан парламент эшитувларини ўтказиш ҳам кўзда тутилганки, бу ўз навбатида, парламентнинг назорат функцияларидан тизимли асосда фойдаланишга киришганлигини кўрсатади.

— Ривожланган демократик давлатлар таърибаси шунини кўрсатадики, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси С.Жабборов — ҳукумат аъзоларининг муҳим ижтимоий-иқтисодий маса-

атрибутлардан (хислатлардан) ҳисобланади. — Демакки, дастурда ўз аксини топган ҳукумат вакиллари-нинг парламентдаги ҳисоботларини амалга оширишга тизимли асосда ёндашув бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллиги ва давомийлигини таъминлашга, бошланган ишларимизнинг ўз мантиқий давоми-ни топиш билан бирга ҳукуматнинг халқ томонидан сайланган парламент олдидаги ҳисобдорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса биз интилаётган мақсадлар сирасига киради.

Мажлис иштирокчиларининг таъкидлашларича, Дастурда Қонунчилик палатаси фаолиятининг очик ва ошкоралигини янада оширишга, депутатлар-

ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш самардорлигини оширишга йўналтирилган ташкилий чора-тадбирлар комплексини амалга оширишга ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, дастурда депутатларнинг сайлов округларидаги тизимли фаолиятини яхшилаш борасида бир қатор йўналишлар ҳам белгилаб берилмоқда.

Қизгин муҳокамалар асосида ўтган мажлисда Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги қонундан келиб чиқадиган талабларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар Дастури» тасдиқланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Битирувчилар касбга йўналтирилди

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ СИЁБ ПЕДАГОГИКА ВА СПОРТ КОЛЛЕЖИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ УЧУН «МУТАХАССИСЛИК — СЕНИНГ КЕЛАЖАГИНГ» ДЕБ НОМЛАНГАН КАСБЛАР КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ҳ.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири

Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармалари, воғза етмаганлар ишлари бўйича комиссия, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг дунё андозалари асосида таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида юртимизда жорий этилган 12 йиллик узлуksиз таълим тизими самарасида ўқувчи-ёшлар чуқур билим олиш билан бирга замонавий касб-ҳунарлар сирларини ҳам пухта эгалламоқда.

Кўргазмада мактаб битирувчилари Самарқанд шаҳри ва Самарқанд туманидаги коллеж ва академик ли-


цейлар фаолияти, уларда ёшларнинг чуқур билим олиб, касб эгаллаши учун яратилган шарт-шароитлар билан ақндан танишди.

— Бу йил мактабимизни 230 нафар ўғил-қиз битиради, — дейди Самарқанд шаҳридаги 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Диёра Умарова. — Шу давргача уч марта сўров ўтказилиб, улар таълимнинг кейинги bosқичини қайси йўналиш бўйича давом эттириши аниқланди. Бугунги кўргазмада битирувчилар ўзлари танлаган таълим муассасалари фаолиятини ақндан ўрганди. Тадбир давомида олган маълумот ва таассуротлари асосида ўзининг қизиқишига мос мутахассисликларни танлади.

— Мактабни битириб, тиббиёт коллежиди ўқимоқчи эдим, — дейди Самарқанд шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби битирувчиси Элнур Расулов. — Бугунги кўргазмада қатнашиб, фикрим ўзгарди. Автомобиль ва йўллар коллежига ҳужжатларимни топиришга

қарор қилдим. Чунки бу ерда асосий мутахассисликдан ташқари, ҳайдовчилик гувоҳномаси берилиши ва компьютер саводхонлиги бўйича курс мавжудлиги менга жуда маъқул бўлди.

— Жорий ўқув йилида вилоятимиздаги умумтаълим мактабларини етимиш мингдан зиёд ўқувчи битиради, — дейди Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Салоҳиддин Санакулов. — Уларни вилоятдаги 158 касб-ҳунар коллежи ва 14 академик лицейга қамаб олиш мақсадида ўқув йили давомида ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида бир неча бор сўров уюштирилди. Ҳудудлардаги коллеж ва академик лицейларда «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Вилоятимиздаги барча туман ва шаҳар марказларида ташкил этилаётган «Мутахассислик — сенинг келажагинг» касблар кўргазмаси ҳам мактаб битирувчиларига ўз қизиқиш ва қобилиятига муносиб касб-ҳунар танлашида амалий кўмак бермоқда.



Обод Андижон

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

— Эрталаб Ўзбекистон кўчасининг очилиш маросимида қатнашдим. Таассуротларимни сўз билан ифодаляшим қийин. Тўғриси, Тошкентда уй қуриб, кўчиб кирган куним ҳам бу қадар секинмагандим. Пойтахтда ўсаётган фарзандларим бугунги ўзгаришларни кўриб, «сиз шу ерликмисиз», деб сўрасалар, уларга гурур ва ифтихор билан «ха, мен — анжонликман» дея олишимнинг ўзи катта бахт, — дейди Озодбек Назарбеков қувончини яширолмай. Аскичилар эса сайлаб келганлар тақдир қилган пайролар бўйича ичкарида хангомалари, нозик қочиримли сўз ўйинлари, «нишонтга беҳато ўришлари» билан гудурос қалқҳақларга сабаб бўлдилар.

— Етмишга бориб қолдим, — дейди Улуғнор туманидаги «Қамолот-сифат» МЧЖ раиси Абдумалик ота Отажонов. — Бугунги байрамдан қирчиллама йилгитини кучини олдим. Банкнинг 250 миллион сўмлик кредити эвазига мена-сабзавот тайёрлаш-саклаш корхонаси қуришни мақсад қилдим. Бугунги айём янги ниятимнинг тутилишига дадла бўлди, куч-қудрат бағишлади.

Кечкурун Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғининг амфитеатрида республикамизнинг таниқли санъаткорлари томонидан катта концерт намоиши этилди.

«Ободлик қўнғилдан бошланади» халқ сайли ана шундай жозибали ва кўтаринки руҳда ўтди.

Зумрад АБРОРОВА, Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ тайёрлади.

КОНЦЕПЦИЯ

Кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди.



ОАВнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кафолатлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни белгилаш ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Оилавий бизнес миллий аъёналаримиз, ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига ҳам тўла мос келади.

21 (393)-СОН

2011 йил 26 май,
пайшанбаe-mail:
axborotXXIasr@yahoo.com

Янги босқичнинг янгича талаблари

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ БИР ҚАТОР ЯНГИ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИКИ, УЛАР ЎЗ МОҲИЯТИ БИЛАН КАТТА ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА ЭГАДИР

Зилола СОБИРОВА,
Олий Мажлис
Конунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси

Кейинги ўн йилда республикамизда босма оммавий ахборот воситалари сони 1,5 баравар, электрон оммавий ахборот тизимлари 7 бараварга

нинг мазмун-моҳияти, фаолият йўналишлари турлича бўлса-да, улар пировард натижада жамият манфаатларига хизмат қилади. Шундай экан, ахборот бозори иштирокчиларини иқтисодий-ҳуқуқий ҳимоялаш тамойиллари ҳам такомиллаштирилиб борилиши керак. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ишон-



ча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуналик қабул қилиш таклиф этилмоқда. Айни кунда фракциямиз аъзолари электротармоқдан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

қўпайиб, қарийб 1200 тага етгани ҳам мамлакатимизда демократлаштириш ва либераллаштириш, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, илгор ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга кенг жорий этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

Мавжуд босма нашрларнинг 60 фоизи, телеканалларнинг 53 фоизга яқини, радиоканалларнинг 85 фоизи нодавлат ОАВ ҳиссасига тўғри келадигани эса бозор муносабатларига жадаллик билан жорий этилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Бунда, энг аввало, ахборот олишнинг эркинлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ошқораликни ҳаётий мезонга айлантириш, ахборот технологияларини соҳага кенг жорий этиш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ролини янада кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни ривожлантириш назарда тутилади.

Узаро рақобат кучайиб бораётган ҳозирги кунда ахборот макониде муайян мавқега эга бўлиш осон эмас, албатта. Бунинг учун ҳар қандай нашр бировга қарам бўлмай, мустақил иш юритиши лозим. ОАВ-

чи ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари механизмларини кучайтириш ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқдир».

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ОАВ учун қўшим-

ча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуналик қабул қилиш таклиф этилмоқда. Айни кунда фракциямиз аъзолари электротармоқдан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Албатта, ОАВнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кафолатлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни белгилаш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода мазкур соҳа

субъектларига иқтисодий-молиявий, солиқ, божхона, ташқи иқтисодий фаолият бўйича қўшимча имтиёзлар (преференциялар) бериш, ахборот майдонида соғлом рақобат муҳитини яратиш, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали жамоатчиликни ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлаш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан эркин ва мустақил фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган журналистларни меҳнатларига яраша рағбатлантириш, қалам ҳақини уларнинг интеллектуал салоҳияти, тайёрлаган ахборотнинг долзарблиги ва савиясига қараб белгилаш, тахририятлар жамоасини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш билан

боғлиқ жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ғояси ҳам айнан фракциямиз аъзолари томонидан илгари сурилмоқда.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида ОАВ фаолияти мулкрий муносабатлар билан ҳамбарчас боғлиқ, албатта. Шундай экан, матбуот органини таъсис этувчи мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, «оммавий ахборот воситаси мулкдори», деган тушунчани ҳам қонун йўли билан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, бугунги бозор муносабатлари оммавий ахборот воситалари фаолиятига янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Бу борада уларнинг ҳуқуқий эркинлиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги қонун ҳамда қонуности ҳужжатларни қабул қилиш алоҳида аҳамият касб этиши шакл-шубҳасиз.

Ишонч ваколат деганидир



Қахрамон ЭРҒАШЕВ,
Олий Мажлис
Конунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси

Айни пайтда оилавий тадбиркорлик субъектлари ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам ва оила олдига барча аъзоларнинг масъуллиги тамойилига асосланишни алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши эса тадбиркорликнинг янги шакли сифатида ҳусусий секторнинг янада ривожланиши ва мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кенгайтиришга хизмат қилади.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда ана шундай талабларнинг белгиланиши партия-ямизнинг Сайловдаги дастурида илгари сурилган устувор вазифа — ёшлар-

нинг ижтимоий фаоллигини ошириш, улар учун касбий, ижодий ва мансаб милапожларидан ўсиш имкониятларини яратиш тўғрисидаги талабларга тўла мос келади. Чунки O'zLiDeP аввалбошда-ноқ, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишларини кучайтириш, улар ўз бизнесини ташкил этиши учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратишида фаол иштирок этиб келмоқда.

Шу ўринда оилавий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари ҳам қонуний мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқдир. Хусусан, улар ижтимоий сугурта қилиниши ҳамда иш даврлари қонунларда

белгиланганидек, меҳнат стажига қўшилиши, амалга оширилаётган фаолият турига мувофиқ бўлган буюмлар ёки товарларни ишлаб чиқариш, шунингдек, уларни мустақил равишда ёки белгиланган тартибда сотиш, амалга оширилаётган фаолиятдан олинган даромадни барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин тасарруф этиш ваколатига эга бўлишлари кўрсатилиши зарур. Айни чоғда оилавий бизнес вакиллари ишлаб чиқарилаётган буюмлар ёки товарларга мустақил равишда нарх белгилаши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин.

Оилавий тадбиркорлик қонунга таяниши керак

КОНЦЕПЦИЯДА ИЧКИ БОЗОРНИ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ, АҲОЛИНИ, ЭНГ АВВАЛО, ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ АСНОСИДА УЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНИ БЕЖИЗ ЭМАСЛИГИНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ КЎРСАТИБ ТУРИБДИ

Фахриддин ЗОИРОВ,
Олий Мажлис
Конунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси

Президентимиз Концепциясида таъкидланганидек, бугун кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнеснинг қонуний асосларини яратишнинг ҳам вақти келди. Зеро, тадбиркорликнинг ушбу шакли бу борада юзага келган миллий аъёналаримиз, ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига ҳам тўла мос келади. Шу маънода, оилавий бизнеснинг қонунчилик базаси яратилса, табиийки, иқтисодиётнинг турли соҳаларини янада ривожлантиришга ҳам эришилади. Бундай нуқтаи назар O'zLiDeP мақсад-муддаоларига тўла мослиги учун ҳам фракциямиз аъзолари бу борадаги қонун лойиҳасини тайёрлашга жиддий эътибор қаратаётган.

Оилавий тадбиркорлик бу — эр-хотиннинг биргаликдаги мулкрий бўлган ҳамда уларнинг ва оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган jisмоний шахсларнинг биргаликдаги фаолиятидир. Бироқ айни чоғда унинг ҳуқуқий шаклини ўзгартириб, уни оилавий қорхона, яъни юридик шахс маконига келтириш зарурлиги бежиз таъкидланмапти. Айни



пайтда тайёрланаётган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу мақсадга қаратилган бўлиб, фракциямизнинг нуқтаи назарига кўра, лойиҳада оилавий қорхонада оила бошлиғи раҳбар бўлиши, шунингдек, оила аъзолари сифатида эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан, фарзандликка олинган болалар ҳисобланганини белгилаб қўйиш лозим. Бунда оила аъзоси 15 ёшга тўлган тақдирда, оилавий тадбиркорликда қатнашиши мумкинлиги, 18 ёшгача бўлган шахс умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейда албатта ўқиши шарти билан

мазкур фаолиятда қатнашиши назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, қонун лойиҳасида 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг саломатлиги, ҳавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда фойдаланиш тақиқланиши, бундай ишларда уларнинг белгиланган нормалардан ортиқча оғирликдаги юкларни кўтариши ва ташишга йўл қўйилмаслиги ҳам қайд этилиши лозим. Оилавий тадбиркорликда ишловчилар, яъни оила аъзолари доимий ишловчи ходим ҳисобланиб, улар учун меҳнат дафтарчаси юритилиши ҳам қонунда ўз аксини топмоғи керак.

Депутат масъулияти

КОНЦЕПЦИЯНИНГ «ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИНИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ» ЙЎНАЛИШИДА ЎРТА СИНФ ВАКИЛЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН 10 ДАН ОРТИҚ ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИ ИЛГАРИ СУРИЛГАНИ О'ZLIDERДАН БУ МАСАЛАГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРНИ КЕСКИН КУЧАЙТИРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Ориф ЙЎЛДОШЕВ,
Халқ депутатлари Қасб тумани
кенгаши депутати, O'zLiDeP депутатлик
гурухи аъзоси

Бунд биз жорий йилнинг I чораги давомида ўтказилган 40 дан ортиқ тадбирларда билдирилган таклиф-мулоҳазалардан ҳам ҳис этдик. Хусусан, Юртбошимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросига бағишланган учрашувларда ҳам электротартиб вакиллари Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар ниҳоятда муҳим эканини таъкидлашди.

Бугун туманимизда истикомат қилаётган 180 мингдан зиёд аҳолининг қарийб 65 фоизи ёшлардан иборат. Уларнинг ҳар томонлама барқарор вояга етишлари эса тараққиётимизнинг муҳим асосидир. Ана

шу мақсадда депутатларимиз сай-ҳаракати ва ташаббуси билан тумандаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлари талабалари учун жамоат транспортдан имтиёзли фойдаланиш имконияти яратилди. Эндилкида улар ўқиш даврида 500 сўмдан эмас, 200 сўмдан йўл ҳақи тўлайдиган бўлишди. Депутатларимизнинг бу ташаббуси ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қўмак беради, ўрта махсус маълумотга эга бўлган малакали кадрларга эҳтиёж юқори эканини аёнлашди. Бу борада депутатлик гуруҳимиз коллеж ва лицей битирувчиларини малакали амалиёт ўтаб, етук мутахассис бўлишлари, ўқув юрларини тамомлагач эса уларни ишга жойлаштиришга масаласига алоҳида аҳамият қаратаётган.

Сейфдаги сир

ЁКИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ УЧҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ 23-«ЯНГИ ҲАЁТ» САЙЛОВ ОКРУГИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИГА БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТЛИК ЎРНИГА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВДА ҚОНУН БУЗИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАНИ ХУСУСИДА

Биродар КИМСАН

Халқимизда касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган гап бор. Биз Учқўрғон туманида рўй берган ана шу ҳолат билан танишгач, беихтиёр юқоридаги мақолни эсга олдим.

Маълумки, сайлов тизimini шакллантириш ва ривожлантиришга оид қонун ҳужжатларида давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва сайловларнинг кўппартиявийлиги, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида сайловлар ҳам тўлиқ ошқоралик ва демократик тамойиллар асосида ўтказилиши қатъий белгиланган.

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ваколатларининг Марказий сайлов комиссиясига берилгани эса бу жараёнга давлат ва ҳокимият тизимлари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашшига қаратилган ҳар қандай уринишларнинг қонун билан тақиқланишини таъминлади.

Аммо айрим ҳудудларимизда мазкур қонунлар талабларига тўла риоя этмаслик ҳолатлари учраб турибдики, бунга кўпроқ сиёсий партияларнинг биллиб-билмай аралашгани уларнинг ҳар қандай йўл билан бўлсада обрў қозонишга уринаётганларини кўрсатади, холос.

Жорий йилнинг 8 май кунин О'зЛиДеР Наманган вилоят кенгаши ижроия кўмитасига Учқўрғон туманидаги 23-«Янги ҳаёт» сайлов округида халқ депутатлари туман кенгашига бўшаб қолган депутатлик ўрнига бўлиб ўтган сайлов натижаларини чиқаришда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳақида йўлдан хабар ана шундай муносабатдан далолат беради. Унда туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Ботир Болтабоевнинг 402- ва 403-сайлов участкаларидан овоз бериш натижалари қайд этилган баённомаларни олиб кетганлиги маълум қилинган эди.

Номзодлар орасида О'зЛиДеР вакили бўлиги учун ҳам партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаев туман ҳокимлигига бориб, ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Б.Болтабоев билан учрашди. Аниқлаш-шича, ҳақиқатан ҳам сайлов натижалари тўғрисидаги баённома жаноб Болтабоевнинг темир сейфида сақланаётган экан. Узоқ даво этган мунозаралардан кейин

баённома нусхасини олишга эришган вакилимизнинг нима сабабдан туман ҳокимлиги маъсул ходимининг сайлов масаласига аралашганлиги тўғрисидаги саволи жавобсиз қолди.

Баённома натижаларини тақдир қилар эканмиз, 23-«Янги ҳаёт» сайлов округида бўшаб қолган депутатлик ўрнига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қўтай иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори Зухра Узоқова, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан О'зЛиДеР Учқўрғон туман кенгаши ижроия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Элёр Бобоев номзоди қўйилгани маълум бўлди.

Хужжатда қайд этилишича, 402-сайлов участкасидаги 1950 нафар сайловчининг 1802 нафари, 403-сайлов участкасида эса 700 нафар сайлов комиссиясига берилгани эса бу жараёнга давлат ва ҳокимият тизимлари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашшига қаратилган ҳар қандай уринишларнинг қонун билан тақиқланишини таъминлади.

Аммо айрим ҳудудларимизда мазкур қонунлар талабларига тўла риоя этмаслик ҳолатлари учраб турибдики, бунга кўпроқ сиёсий партияларнинг биллиб-билмай аралашгани уларнинг ҳар қандай йўл билан бўлсада обрў қозонишга уринаётганларини кўрсатади, холос. Жорий йилнинг 8 май кунин О'зЛиДеР Наманган вилоят кенгаши ижроия кўмитасига Учқўрғон туманидаги 23-«Янги ҳаёт» сайлов округида халқ депутатлари туман кенгашига бўшаб қолган депутатлик ўрнига бўлиб ўтган сайлов натижаларини чиқаришда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳақида йўлдан хабар ана шундай муносабатдан далолат беради. Унда туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Ботир Болтабоевнинг 402- ва 403-сайлов участкаларидан овоз бериш натижалари қайд этилган баённомаларни олиб кетганлиги маълум қилинган эди.

Номзодлар орасида О'зЛиДеР вакили бўлиги учун ҳам партия вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаев туман ҳокимлигига бориб, ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Б.Болтабоев билан учрашди. Аниқлаш-шича, ҳақиқатан ҳам сайлов натижалари тўғрисидаги баённома жаноб Болтабоевнинг темир сейфида сақланаётган экан. Узоқ даво этган мунозаралардан кейин

табоев ҳозир тadbирда эканини айтиб, саволимизга тушлукдан сўнг жавоб қайтаришини маълум қилди. Белгиланган вақтда унга яна қўнғироқ қилдим. Бирок...

Шундан сўнг, депутатликка номзодимиз кузатув-чиси билан боғланиб, тезда

«Соҳибкор» МФЙ раиси ва оқсоқоллари сайлови чоғида ҳам юз берган эди, — дейди Н.Абдуллаев. — Раисликка номзодлар орасида О'зЛиДеР аъзоси, мазкур маҳалланинг собиқ раиси Матсудахон Ҳамидова ҳам бор эди. Унинг ўтган даврда

Худди шундай ҳолатлар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва оқсоқолларига бўлиб ўтган аввалги сайловлар даврида ҳам юз берганини алоҳида таъкидлашни истардим. Орадан кўп ўтмай эса «сон кетилган қувиш усули» яна такрорла-

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК: «ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШ, ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШ, БУЗИШ МАҚСАДИДА ҲАР ҚАНДАЙ УРИНИШЛАРГА НИСБАТАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР ҚЎЙИЛАДИ ВА АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ». ХЎШ, УЧҚЎРҒОН ТУМАН ҲОКИМЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ-НАЗОРАТ ГУРУҲИ РАҲБАРИ ЖАНОБ БОЛТАБОЕВ АНА ШУНДАЙ ТАРТИБ БЕЛГИЛАГАНИДАН НАҲОТКИ ХАБАРСИЗ БЎЛСА?

ҳокимиятга бориб, масалага аниқлик киритишларини сўрадим. Орадан кўп ўтмай ходимимиз Б.Болтабоев ўз хонасида ХДП туман кенгаши раисининг раиси Сабохон Рузиевга билан суҳбатлашиб ўтирганини, уни эса қабул қилмаганини маълум қилди.

Ана шундай учқўрғонча ўйинлардан кейин Н.Абдуллаевнинг кутубхонада ҳокимиятга кириб келиши Б.Болтабоевни бироз шошириб қўйганини бир тасаввур қилиб қўлинг. Баҳонага сабаб қолмагач, темир сандиқдаги баённоманинг бир нусхасини ҳокимиятга қўйиб қўлинг. Баҳонага сабаб қолмагач, темир сандиқдаги баённоманинг бир нусхасини ҳокимиятга қўйиб қўлинг. Баҳонага сабаб қолмагач, темир сандиқдаги баённоманинг бир нусхасини ҳокимиятга қўйиб қўлинг.

— Ҳокимлик маъсул ходими нега бундай қилганини кейин аниқладим, — дейди Н.Абдуллаев. — Маълум бўлишича у О'зЛиДеР туман кенгаши раисига партия номзодини қайтариб олишни таклиф қилган, рад жавобидан кейин эса шундай йўл тутишган экан.

Кўриниб турибдики, маҳаллий ҳокимлигининг мутасадди вакили қонунга зид равишда, очикдан-очик сайлов қонунчилигини бузиб, бу жараёнга аралашган.

Шу ўринда табиий бир савол туғлади: агар воқеадан О'зЛиДеР вилоят кенгаши хабар топмаганида ХДП вакили бўлган Зухра Узоқовага имкон берилган бўлармиди?

— Худди шунга ўхшаш ҳолат Наманган шаҳридаги

га фаолияти бир неча бор бошқа раисларга ибрат қилиб кўрсатилганини ҳам кўнчиликлари яхши билади. Аммо сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қўмаклашиш комиссияси вакили, ХДП аъзоси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Олимпон Ҳасанов, шаҳар ҳокимлигининг маъсул ходими Акрамжон Акрамов, ишчи гуруҳи раиси, 29-умумтаълим мактаби директори Зулфия Изатуллаева таъйини остида у ўз номзодини қайтариб олишга мажбур бўлган. Натижада сайловда 1 нафар номзод иштирок этган, холос. Сайловда овоз бериш ваколатига эга 65 нафар вакилдан фақат 14 таси қатнашиб, ягона номзодни қўлаб-қувватлашган. Натижаларни баёнлаштиришда эса «35 та овоз олди», дея сохта ҳужжат тўдирилган. Ташкилотчилар ҳатто баённома мазмунини вакилларга ўқиб эшитиришнинг ҳам ўзларига эп кўрмаганлар. Эътироз билдирмоқчи бўлган халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати, О'зЛиДеР фаоли Мирзохид Аҳмедовга сўз бериш ўрнига «сайлов қонунчилигини бўзаяпсан», дея танбех беришгача борганлар.

Хуллас, Наманган вилоятида маҳаллий бошқарув идораларида маъсул вазифаларда ишлаётган айрим ХДП аъзолари бошқа партияга йўл бермаслик учун барча усуллардан фойдаланишда давом этмоқдалар. Бунинг юқоридики мисоллар ҳам кўрсатиб турибди.

наётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Гарчи ўшанда бу фикрларга жиддий эътирозлар билдирилган бўлса-да, ҳолат буткул ўзгармаганини юқоридики воқеалар яна кўрсатмоқда.

Партияларро рақобат мамлакат тараққиётига, жамоатчилик назорати кучли бўлган фуқаролик жамиятининг шаклланишига хизмат қилиши шак-шубҳасиздир. Аммо у ҳалол ва ҳолсиз бўлгандагина қўйилган натижага эришилади. Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да алоҳида таъкидланганидек: «Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг ўзини белгисиз, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир».

Аммо ана шундай оддий ва лўнда, тушунарли баён этилган вазифани негадир тушунаётган, аянам аниқроқ қилиб айтганда, билаларда ишлаётган айрим ХДП аъзолари бошқа партияга йўл бермаслик учун барча усуллардан фойдаланишда давом этмоқдалар. Бунинг юқоридики мисоллар ҳам кўрсатиб турибди.

Мулкдорлик биржа савдосидан бошланади

МУСТАКИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАНОҚ МУЛҚДОРЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТАЁТГАН БИРЖАМИЗ КЎЧМАС МУЛҚ БОЗОРИДАГИ ҲАЛОЛ РАҚОБАТ МАЙДОНИДА ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАГИ МУЛҚЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҲАМДА НОДАВЛАТ МУЛҚЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Қахрамон АЛИБОВЕВ,
Республика кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилоят филиали директори

Хусусан, Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилининг ўтган даврида электрон ва биржа савдо-лар орқали 63 та кўчмас мулк, ер майдонлари ва автотранспорт воситалари учун 914 млн. сўмликдан ортиқ олди-сотди шартномалари тузилди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида 41 та мулк учун 643 миллион сўмлик келишувларга эришилган эди. Эгаллик ҳуқуқи қўлга киритилган мулкларни турлари бўйича таҳлил этсак, уй-жой қуриш учун ер майдонла-

ри, қурилиш тугалланмаган иншоотлар, савдо, маиший хизмат, ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолар, автотранспорт воситалари кўпроқ экани кузатилди. Вилоят бўйича ўтказилган жами савдо ҳаммининг сотилиши бўйича 42,92 фоизи Термиз шаҳрига, 11,34 фоизи Сариев, 10,93 фоизи Шўрчи, 9,2 фоизи эса Бойсун туманига тўғри келди.

Ташкил этилаётган электрон савдо-ларда тadbиркор ва сармоядорлар тўғридан-тўғри иштирок этиб, ушбу имкониятдан самарали фойдаланаётганлари алоҳида диққатга сазовордир. Хусусан, йилнинг дастлабки чорагида мазкур савдо-ларда 30 та мол-мулк ўз харидорларини топди ва 627 млн. 802 минг 300 сўмлик олди-сотди шартномалари

имзоланди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 фоиз ўсишга эришилди. Аукцион савдо-ларимизда эса 33 та мол-мулк 286 млн. 279 минг сўмга сотилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоиз ўсиш таъминланди.

Кези келганда бу натижалар мамлакатимизда амалда олиб борилаётган тизимли ислохотлар, савдо-ларни очик ва ошқора ташкил этиш ҳамда миқозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соғлом рақобат майдонида мол-мулклар тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самараси эканини таъкидлаш жоиз.

Ўтган йилларда суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва

молиявий таъминлаш департаменти вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳам ишончли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Президентимизнинг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мазкур тузилмада хатловга олинган мол-мулклар савдосини йўлга қўйди. Йилнинг дастлабки чорагида департаментнинг вилоят ҳудудий бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан 233 та турли мулк ва автотранспорт воситалари савдога чиқарилиб, 22

та автотранспорт воситаси ва бошқа кўчмас мулклар ўз миқозларини топди. Масалан, Термиз шаҳар суд ижроиялари бўлими хатловга асосан баҳоси 4 млн. 800 минг сўм бўлган «Дамас» русумли автомашина аукцион савдосида ўн олти миллион сўмга сотилди. Ёки Шўрчи туман суд ижроиялари бўлими томонидан савдога чиқарилган ва бошланғич баҳоси 12 млн. 121 минг 451 сўм нархланган «КамАЗ-53212» русумли автомашина 59 млн. сўмга харид қилинди.

Энг муҳими, фаолиятимиз давомида тadbиркорлар ва мулкдорларга хизмат кўрсатаётганимиз, савдо-ларни очик-ошқора ташкил этаётганимиз бозорда ўзаро ишончнинг мустаҳкамлаб, миқозларимиз сафтини оширмоқда.



«Ишбилармон ўқувчи»:

биринчи босқич якунланди

ИШБИЛАРМОНЛИК — БУ ҚОБИЛИЯТМИ ЁКИ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ТЎПЛАНАДИГАН МАЛАКА, КЎНИКМА ЁХУД ТАЖРИБА МАҲСУЛИМИ? БИЗНИНГЧА, ТАДБИРКОРЛИКНИ ХАВАС ҚИЛГАНЛАРДА УШБУ ЖИҲАТЛАРНИНГ БАРЧАСИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ. БУНИНГ УЧУН ЭСА ЎЗ ВАҚТИДА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТИШ, ЯЪНИ БОЛАЛИКДАН БОШЛАБ СОҲАГА ОИД КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУР

Сардор МАРИПОВ,
О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия Кўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи консультанти

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бундан бир неча йил муқаддам академик лишей ва касб-хунар коллежлари талабалари учун «Ишбилармон ўқувчи» махсус стипендиясини таъсис этишдан мақсади ҳам айнан ана шу вазифани бажаришга қаратилгандир. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз келажаги йўлидаги меҳнати, интилиши, изланишлари, жамоат ишларидаги фаол иштирокини қўлаб-қувватлашга бағишлаган ушбу тadbир қатнашчиларига туман, вилоят


ҳамда республика босқичларида ўз имкониятларини синая қўриш шартли белгилангани боиси ана шунда. Tadbиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини қай даражада ўзлаштирилганлиги, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдаланиш борасидаги билимлари, қишлоқ ҳужалиги ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш борасида тайёрлаган инновацион лойиҳалари, партия фаолиятидаги иштироки, намунали ҳуқуқи, етакчилик қобилияти, ёшлар билан ишлаб билишлари ва яна қатор талаблар ҳисобга олинганда, бу бўлажак тadbиркорнинг ҳар томонлама етук бўлиб воқеа етишига пухта замин яратлади.

— Танлов жараёнида иштирокчиларнинг қобилиятига бўлган интилиши мени ҳайратга солди, — дейди О'зЛиДеР Жиззах шаҳар кенгаши раиси Ерқун Баҳриддинов. — Шу боис яққол

қобилиятини танлаш мушкул келди. Чунки даъвогарлар аксариятининг билим ва кўникмалари бир-биридан қилишмасди.

Бу, албатта, ташкилотчилар фикрлари. Ҳўш, танлов иштирокчиларининг ўзлари нима дейди? — «Ишбилармон ўқувчи»да иштирок этиш мен учун катта мактаб бўлди, — дейди шерабодлик Омонгул Жумагалиева. — Гарчанд вилоят босқичи йўланмасини қўлга киритган бўлсам-да, ҳали кўп нарсаларни ўрганишим кераклигини англадим. Қобилият эса зиммамга яна бир маъсулиятли вазифани юкляди. У ҳам бўлса, кейинги босқичларда туманимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

Бугунги кунга келиб, барча туманларда танловнинг кўйи босқичи ўз якунига етди. Энди эса қобилиятини яна бир жиддий синов — вилоят босқичи кутиб турибди. Бу йўлда уларга омад ёр бўлишини тилаймиз.



МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИДА ХУСУСИЙ МУЛҚ ДАХЛСИЗЛИГИ БЕЛГИЛАНГАН БЎЛИМ, У ДАВЛАТ ХИМОЯСИГА ОЛИНГАН. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, МУЛҚ ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ХИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БОГЛИК БИР КАТОР ҚОНУНЛАР ВА ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг қаролатари тўғрисида»ги ва «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунлари, мамлакатимиз Президентининг айна масаласи оид фармон ҳамда қарорлари шулар жумласидандир. Улар соҳа тараққиётида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кези келганда яна бир нарсани таъкидлаш жоиз. Tadbиркорлик субъектларига фақат суд орқали қўланилиши мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чоралари доираси аниқ белгиланган. Улар фаолиятини текширишга фақат махсус ваколатли органнинг қарори ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қўзғатишдан жиноят иши бўйича йўл қўйилиши мумкин.

Бу, биринчидан, текширишлар сонининг кескин камайишига олиб келса, иккинчидан, ортиқча асабозарликларга чек қўйилиб, тadbиркорда самарали ишлаш ва изланиш учун кўпроқ вақт қолди.

Хоразм вилоят прокуратураси идоралари қонун талабларидан келиб чиқиб, тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Бу борада жойларда ўрнатилган «ишонч телефонлари» жуда қўл келаяпти. Уларга келиб тушаётган мурожаатлар ўз вақтида қўриб чиқилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли чоралар қўйилмоқда.

Мана, бир мисол. Яқинда вилоят прокуратураси томонидан Урганч шаҳридаги «Оқулус» хусусий корхонаси раҳбари И.Кураёвнинг вилоят давлат архитектура қурилиш назорат инспекцияси (ДАҚН) инспектори У.Аҳмедовнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига оид мурожаат ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, У.Аҳмедов вилоят ДАҚН инспекцияси бошлигининг буйруғига асосан мутахассис С.Сағатов билан «Оқулус» хусусий корхонасида қурилиш ишларида бош режа интизомига риоя қилиниши устидан мониторинг ўтказган. Лекин текшириш назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори асосида амалга оширилмагани аниқланди.

Шу сабабли вилоят прокуратураси томони-

Бош прокуратура матбуот хизмати

Миллий матбуотнинг долзарб вазифалари


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИДА «ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ» ВАКИЛЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРГА ОИД БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва «Жаҳон» ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда телерадиоканаллар, босма ва интернет нашрларида фаолият кўрсатган журналистлар, олимлар ва ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Юртбошимизнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида эришилган марраларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшларга ёрқин ва таъсирчан тарзда етказиб беришда оммавий ахборот воситаларидан алоҳида масъулият талаб этилади, албатта.

Семинарда Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қиёмиддин Назаров, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов, Миллий ахборот агентлиги Бош директори Маматқул Ҳазратқулов, Миллий телерадиокомпания раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Файзулла Юнусов сўзга чиқиб, истиқлол йилларида миллий медиа тармоқни туб-



дан ислоҳ этиш, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари даражасидаги шароит ва имкониятларни яратишнинг изчил тизими йўлга қўйилганини таъкидлади.

— Бугун амалда бўлган ўнга яқин қонун, меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳар бир фуқаронинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиши, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот бора-

лашда, медиа соҳанинг янада самарали фаолият кўрсатишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди «Хуррият» газетаси Бош муҳаррири Уктам Мирзаяёров.

— Шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб глобаллашув даври журналистлардан янада ҳушёр ва огоҳ бўлишни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоясига айланишни, истиқлол йилларида эришилган натижаларнинг мазмун-моҳиятини нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамиятига ҳам таъкидлар асосида етказиш-

ни талаб этмоқда, — деди юридик фанлари номзоди Худойқул Азизов.

Ўқув-семинарда, шунингдек, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, давлат ва жамият қурилишини модернизациялаш, оммавий ахборот воситалари, суд-ҳуқуқ тизими, маънавий-маърифий соҳалар, миллий иқтисодиёт ва ташқи сиёсат соҳаларидаги ислоҳотлар бераётган юксак самараларга доир қатор маърузалар ҳам тинглан-

Марказ ўз фаолиятини кенгайтирмоқда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING КАДРЛАРИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА СТАТИСТИКА ТАДҚИКОТЛАРИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНДАН БУЁН 8880 НАФАР СОҲА ХОДИМИ ВА 18 МИНГ 500 НАФАРГА ЯҚИН ҚОРҲОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИДА ТАХСИЛ ОЛДИЛАР

Мусурмон РЎЗИЕВ,
«XXI ASR»

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тузилган мазкур таълим муассасасида статистика услубларини ишлаб чиқаришга таъбиқ қилиш бора-расида илмий-амалий тадқиқотлар ҳам ўтказилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эса алоҳида дастур тайёрлаб тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбар ва мутахассисларига статистик ҳисоботларни яритишга амалий ёрдам кўрсатила-япти.

— Айни пайтда марказимизда 3 та кафедра ва 4 та бўлим фаолият юритмоқда, — дейди муассаса раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор Баҳодир Гойибназаров. — Машгулотлар, Макроиқтисодий статистика ва миллий ҳисоблар, Ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий-иқтисодий таҳлил кафедраларида махсус режалар асосида амалга ошириляпти.

Айни пайтда марказ олимларидан ташқари Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг юқори малакали раҳбар ходимлари ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Молия институти, Тошкент Аграр университети, шу билан бирга Тошкент Ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчилари ўтказётган машгулотларда тингловчилар соҳа сир-асрорларини мукаммал эгаллаётганликларини ҳам таъкидлаш жоиз.

2003-2010 йиллар давомида Марказнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида давлат статистика органларининг 8880 ходими, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги қорхона ва ташкилотлардан 18 минг 500 нафарга яқин қорхона ва ташкилотлар, кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари мутахассислари ҳамда жисмоний шахслар шартнома асосида билим ва малака оширишлар.

Марказ фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, бу ерда статистика, иқтисодиёт ва бизнес йўналишига алоқадор истаган юридик ва жисмоний шахслар қайта тайёрлашдан ўтказишлари ва малакаларини оширишлари мумкин. Масалан, «Бизнес-менеджер» ўқув курси қорхона ва ташкилотларда, иқтисодий масалалар бўйича менеджер, қорхона раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларида ишлаётган, хусусий қорхона ва фирмалар таъсисчилари бўлган юридик ҳамда жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлса, «Офис-менеджер» курсида ҳужалик субъектларини шакллантириш тартиби ҳамда уларни рўйхатга олиш қонун-қоидалари батафсил ўргатилади. Компьютер саводхонлиги кур-

си эса энг оммабоп йўналишлардан бўлиб, ушбу дастурни эгалладан тингловчилар энг замонавий компьютер техникаси имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш малакасига эга бўладилар.

Бухгалтерия курсида эса «1-С Бухгалтерия» дастури мукаммал ўргатилади. Ўқув курсида давлат статистика органлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурида жорий йилда Давлат буюртмаси асосида 14 та йўналиш бўйича машгулотлар олиб борилади. Ўқувларнинг 11 таси марказнинг ўзида, 3 таси мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилиши эса вилоятларда ишловчи соҳа вакиллари ва тадбиркорлар учун ҳам қатта қулайликлар яратди.

Мухтасар қилиб айтганда, марказ ўтган давр мобайнида замонавий иқтисодиёт учун ўта зарур ўқув муассасаси эканини амалда намоён этиб келмоқда.

«Видергебург» «Квелли»га келди

Германиянинг Дрезден шаҳридан Бухорога ташриф буюрган Гали театри санъаткорлари шаҳардаги «Видергебург» немис миллий-маданий марказида бўлиб, бу ерда фаолият юритаётган «Квелли» («Чашма») ҳаваскорлик театри ёш актёрлари учун 2 кунлик мастер-класс ўтди.

Машгулотлар аввалида А.Баҳарева раҳбарлигидаги «Квелли» театри ижодий жамоаси томонидан талқин этилган ўзбекча урф-одат, анъаналар ва миллий расм-русумларни ўзида ифода этган сахна кўринишлари меҳмонларда қатта таассурот қолдириди.

«Мавриги»дан завқ олган ҳаёт

Қирғизистон пойтахти — Бишкекда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари ва Ҳиндистонда фаолият кўрсатаётган музикаий жамоаларнинг биринчи халқро фестивалида бухоролик фото санъати устаси, таниқли суратгир Шавкат Болтаевнинг «Мавриги»дан завқ олган ҳаёт» деб номланган туркум суратлари қўлаб мухлислар эътиборини тортди. Гап шундаки, бу фотосуратлар ҳамда слайдшоуларда кўна Бухоронинг XIX асрнинг охириги йилларидан тартиб бугунги кунларимизгача бўлган ҳаёт ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, бухоролик суратгир Шавкат Болтаевнинг ижодий ишлари орасида Ўзбекистоннинг таниқли кишилари, маданият ва санъат арбоблари сиймолари мужассам бўлган фотопортретлар, аёл меҳри, нафосати, бутун гўзаллигини ўзида намоён этган ўнлаб фотосуратлар эзулик ва нафосатга ошно кўнгиллар тўридан жой олиши шак-шубҳасиздир.

Пойтахтнинг кўча ва маҳаллаларига янги ном берилди

Тошкент шаҳри ҳокимлиги қарорига асосан пойтахтимиздаги айрым кўча ва маҳаллалар номи ўзгартрилди, шунингдек, янги кўчалар рўйхатга олинди. Бу ўзгаришлар шахримиздаги 11 та туманининг 8 тасидаги топонимик объектларга тегишли бўлиб, номларини тартибга солиш, уларнинг бир-бирини такрорлашига барҳам бериш, бу объектларнинг аввалги ва тарихий номларини тиклаш мақсадида амалга оширилди.

Хусусан, Мирзо Улутбек туманидаги «Бўзариқ» маҳалласи — «Катта Олтинтепа», «Қудуқбоши» эса «Гулистон» номи билан аталди. Бу иккала ҳолатда ҳам маҳаллаларнинг тарихий номлари тикланди. Миробод ҳамда Юнусобод туманларидан ўтувчи Мустафо Камол Отатурк номидаги кўча эндиликда Зарафшон деб юритилди.

Сергели туманидаги Собир Раҳимов номидаги маҳалла мазкур массив номидан келиб чиқиб, «Янги Сергели» маҳалласи деб ўзгартрилди. Негмат Каҳҳоров номидаги кўча эса Чимзор деб юритилмадиган бўлди. Бу ерда «Қумариқ» ва «Нўғойкўрғон» маҳалллари жойлашган.

Учтепа туманидаги «Дегрез» ва «Шофайзбоб» маҳаллаларидан иборат Обид Жалолов номидаги кўчага эса аввалги «Қувноқ» номи қайтарилди, Фарҳод Иброҳимов кўчаси Зулфизор 3-тор кўчасига айлантирилди. Шу туманининг ўзида массив номида мос равишда янги Иззабод кўчаси, шунингдек, «Катта Қазани» маҳалласидаги 1-6-тор кўчалари рўйхатга олинди. Н.Сандов номидаги 1-2-тор ҳамда 1-3-берк кўчалари тегишли равишда Катта Қазани кўчасининг 2-3-тор ва 1-3-берк кўчалари деб аталадиган бўлди. О.Зоилов кўчасидаги берк кўча эса Ғаниповлов берк кўчаси номини олди. А.Исмаилов номидаги 2-тор кўча Шарқ кўчасининг 3-4-тор кўчасига айланди. А.Исмаилов номидаги 1-берк кўча эса Шарқ кўчасининг 4-берк кўчаси деб номланди. Изза кўчасида янги 5-8-тор кўчалари ташкил этилди. Шунингдек, шаҳарнинг бир қатор бошқа туманларида ҳам шундай ўзгаришлар амалга оширилди. Диффуза ҲАБИБОВА тайёрлади.



Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Мижозларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда. Жумладан, «Асакабанк» оғиқ-активдорлик жамиятининг Самарқанд филиали томонидан жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 13 млрд. сўм миқдоридан сармоя ажратиш, шу ҳисобдан 200 га яқин янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Амалий саъй-ҳаракатлар ҳозирланок ўз самарасини бера бошлади. Банк фақат кредит ажратиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Тадбиркорлар хонасида мижозларга зарур маслаҳатлар бериш, амалий ёрдам кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган.

Айни кунда банкнинг Боғишамол, Геология, Бўстон Сарой, Челақ, Тараққиёт, Шарқ каби минн банклари, 2 та махсус кассаси, 5 та жамгарма ва аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилувчи шохобчалари ишлаб турибди. Улар малакали мутахассислар билан таъминланган. Молия муассасасининг жорий йилдаги кредит портфели 15,5 млрд.сўмни ташкил этиб, шунинг 14,2 млрд. сўми узоқ муддатли кредитлардир.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. «Асакабанк»нинг Самарқанд филиали шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида озиқ-овқат ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 2 млрд. сўмга яқин кредит маблағини йўналтирди. Ушбу сармоялар вилоятда паррандачиликни ривожлантириш, тухум ва парҳез гушт етиштиришни кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ҳадемай бепоён далаalarda галла ўрми-йигими бошланади. Барча қатори вилоят деҳқон ва фермерлари ҳам мавсумга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Ушбу жараёни молия муассасаларининг фаол иштироки ва беминнат ёрдамисиз тасаввур этиш қийин, албатта. Жорий йилда банкнинг вилоят филиали томонидан ажратилган 292 млн. сўмлик маблағ

Мижозларга қулай ва тезкор хизмат

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИНИ БАНК МУАССАСАЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

эвасига 2 та фермер хўжалиги «Класс Доминатор-130» русумли замонавий лон ўриш комбайнига эга бўлди. Энг муҳими, молиявий ҳамкорликдан ҳар икки томон тўла манфаатдор.

Вилоятдаги ишбилармон, тадбиркор хотин-қизларнинг хайрли ташаббуслари ўз вақтида қўлаб-қувватланмоқда. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да ана шу мақсадлар учун банк томонидан 207,5 млн. сўм миқдориде кредит ажратилганлиги фикримиз далилидир. Натижада самарқандлик қўлаб аёллар муқим иш жойига эга бўлишди.

Ахборот технологиялари ривожланиб бораётган бугунги кунда электрон хизматлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб ултурганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, ҳисоб-китобларни нақд пулсиз амалга оширишда пластик картчалар жуда қўл келмоқда. Филиал томонидан муомалага чиқарилган пластик картчалар хизматидан ҳозирда 29 281 киши баҳраманд. Хизмат сафарларига чиқиб турадиган мижозларга қўшимча

қулайлик яратиш учун банкнинг корпоратив пластик картчалари ҳам жорий қилинган. Улар кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Шу билан бирга банк аҳолига «Unistream», «Азия Экспресс», «Лидер», «Western Union», «Близко», «Money Gramm» каби пул ўтказмалари орқали ҳам намунали хизмат кўрсатаётти.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш учун фаол иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда «Тадбиркор», «Эҳтиром-2011», «Сти-мол-1», ҳамда «Фаворит» каби омонат турлари жорий қилинди. Миллий ва хорижий валютадаги омонатлар қолдиги ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 2,1 млрд. сўмга ўсиб, 5,3 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Асакабанк»нинг вилоят филиали мижозларнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, хизмат сифати ҳамда маданиятини оширишга интиляётир. Шу боис ой сайин, йил сайин юқори натижаларга эришля-япти.



ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«ANDIJON MUKAMMAL SAVDO ELIT»

МЧЖ НАРХИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ

ТАРТИБИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукционга Андижон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 15 апрелдаги 259-К сонли қарори ва Давлат мулки қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 24 майдаги №17-сонли буйруғига асосан фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш ва мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи учун ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектардан иборат ер майдонлари қўйилади.

Андижон шаҳар «Шўрбулоқ» МФЙ ҳудудида жойлашган шаҳар захира ер майдонларидан ажратилган, 5 дан 17 гача тартиб рақам билан белгиланган 13 (ун уч) донда 400 кв.метрдан иборат, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 2750 160 (икки миллион етти юз эллик минг бир юз олти) сўмдан бўлган ер майдонлари.

Аукцион 2011 йил 20 июнь кунни соат 10.00 да, шу кунни савдо бўлиб ўтмади деб эътироф этилган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2011 йил 21, 22 июнь кунлари соат 10.00 да Андижон шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида — А.Навоий шох кўчаси 73-уйда бўлиб ўтади.

Аукционда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориде гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000204865231001 ҳисоб рақамига МФО: 00074, ИНН: 301576374 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар кунни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 га қадар Андижон шаҳар А.Навоий шох кўчаси 30-уй 219-хонада қабул қилинади.

Аукцион савдосида жисмоний шахслар паспорт ва 10 фоиз миқдориде гаров пули миқдоридан кам бўлмаган маблағни тўлаганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси билан қатнашишлари лозим.

Қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:
Андижон шаҳар, А.Навоий шох кўчаси 30-уй 219-хона.
«ANDIJON MUKAMMAL SAVDO ELIT» МЧЖ
Тел: 606-88-81, 269-88-81, 700-88-81 код (8374) Гувоҳнома № 00328

Сўллар инқироzi

ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ДУНЁНИНГ ҚАТОР ДАВЛАТЛАРИДА СЎЛ ПАРТИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ БАЛАНДПАРВОЗ ВАЪДАЛАРИГА ИШОНЧ СЎНИБ БОРАЁТГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАРЛАР КУНДАН-КУНГА ОРТИБ БОРАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАМОҚДА

Файзулло
АБДУЛБОКИЕВ

Глобал миқёсда давом этаётган молиявий-иқтисодий бўҳрон ҳамда дунёни қайта тақсимлаш мақсадида мафкуравий ва ахборот хуружлари тобора авж олаётган бир паллада сиёсий партиялар ўртасидаги курашлар ҳам қизгин тус олмақда. Бунда кишиларни ўз фикри, мақсад ва ғояларига ишонтира олган куч ва ҳаракатларига ҳокимиятини ёғалламоқдалар. Ана шундай мураккаб бир даврда масъулият юкини ҳис этмаган ёки инқирозга қарши ўз «рецепт»ларини топа олмаётган партиялар ҳам муддатидан аввал сиёсий майдонларни тарқатишга мажбур бўлаётirlар. Испания сўл партияси ҳисобланмиш социалистларнинг маҳаллий сайловларда мағлубиятга учрагани ҳам сайловчиларнинг амалдаги партияни инқироз ва ишсизликнинг охиши учун жазолаганининг намоиши бўлди, дейиш мумкин. Боз устига мамлакатда деярли икки ҳафтадан бери оммавий норозиликлар тинмапти. Испанлар тушган мураккаб вазият учун айбдорлигини тан олган бош вазир Хосе-Луис Сапатеиро 2012 йилги умумхалқ сайловларида учинчи мандатга даввогарлик қилмаслигини эълон қилди. Маълумотларга қараганда, Испания Социалистик ишчи партияси атиги 27,8 фоиз овоз тўплаган ҳолда бош рақиби — Мариан Рахой бошчилигидаги консерватив Халқ партиясига (37,58 фоиз) имкониятни бой берди. Натижада Сапатеиро партияси мамлакатнинг 17 та минтақасининг атиги биттасида — Андалусияда назоратни сақлаб қолди, холос. 10 фоизлик тафовут эса парламент сайловларига атиги 10 ой қолганда социалистлар имкониятини йўққа чиқарди. Кузатувчиларнинг фикрича, сўнгги уч йилдан бери иқтисодиётнинг мавҳумлик қаъридан чиқолмаётгани, икки миллион иш ўрнининг қисқаргани сўллар инқироziни янада тезлаштирди. Бугун мамлакатда қайси сиёсий куч ҳукмронлиги ўрнатилишидан қатъий назар, молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш осон бўлмаслиги аниқ. Чунки Испания дефолт оstonасида туриб, Европа Иттифоқидаги Греция, Ирландия ва Португалия каби иқтисодиёт бекорлар мамлакатлар қаторидан жой олган.

Бошқа томондан,

ҳанузгача инқирозга қарши самарали дастур ишлаб чиқа олмаётган кўҳна қитъанинг бошқа мамлакатларидаги аҳвол ҳам ҳавас қиларли даражада эмас. Европанинг аксарият мамлакатларида партиялар дастуридаги ўхшашлик ва асосий масалалар бўйича муносабатларнинг яқинлиги, берилган ваъдаларнинг бажарилмаётгани боис оддий сайловчилар ўнг ва сўл кучлар ўртасидаги тафовутларни ажрата олмай қолдилар. Натижада ана шундай жамиятларда ўта ўнг ёки ўта сўл радикал партиялар омалашиб, шовинизм, ирқчилик, диний тоқатсизлик ва миллатчиликка асосланган низола юзага келмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, аҳвол шу тарзда давом этверса, Европада сиёсий партияларга асосланган самарали сиёсий тизим ва институтларга нисбатан сайловчилар ишончини йўққа чиқариши, бу эса бутун дунёда ҳам кенг миқёсдаги сиёсий таназзул таҳдидини тугдириши мумкин.

Хусусан, Францияда президент сайловлари олдида 75 минг аъзоси бўлган хоризжликлар ва муҳожирларга нисбатан мурасасизлиги билан ном чиқарган «Миллий фронт» партияси ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олди. Иккинчи ўринга кўтарилиб олган ана шу партия мавқеининг кучайиши, шубҳасиз, кўпмиллатли жамиятда низола келтириб чиқариши турган гап. Германияда ҳам кейинги пайтларда ўта сўл қанот партиялар обрўининг ортиши кучли ҳавотирларни юзага келтира бошлади.

Дарҳақиқат, кўппартиявийлик тизимида сиёсий рақобатбардошлик мамлакатни тараққиёт сари етаклайди. Табиийки, бир партия ҳукмрон бўлган парламентда қонунлар мукамал ишлаб чиқилмайди. Қонунлар қабул қилишда кучли баҳс-мунозара рўй бермайди. Зеро, партия биринчи навбатда халқ билан, ўз тарафдорлари билан тирик. Партия ва сиёсий ҳаракат учун энг катта хато халқдан узоқлашишдир. Ҳокимият учун кураш ҳар бир партиянинг асосий мақсади экан, бунга эришиш масаласи ана шу партиянинг қанчалик тўғри йўл танлаганига боғлиқ. Гап яна айланиб, партияларнинг ўзига, уларнинг дастурларига тақалапти.

Таъкидлаш керакки, глобал инқироз ҳам давлатларнинг сиёсий партиялар мувозанатига кучли таъсир кўрсатмоқда. Эътиборли томони шундаки, асосан куч-

ли бозор иқтисодиёти тарафдори бўлган ўнлар ва кучли ижтимоий ёрдам талабгорлари — сўллар ўртасида кечаётган курашда кўп ҳолларда ўнларнинг қўли баланд келаётir. Очиги — кейинги йилларда кузатилаётган ўзгаришлар аксарият мамлакатларда сўллар ва уларнинг баландпарвоз ваъдаларига ишонч сўнаётганини кўрсатмоқда.

Ҳатто яқин пайтларгача сўллар мавқеи юқори ҳисобланган Венгрияда ижтимоий тенгсизлик кучайиб бораётгани, аҳоли даромадлари нарх-наво ўсишига нисбатан орқала қолаётгани тез-тез тилга олинаётган эди. Сўлларнинг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сафсаталарига қарамай, жамиятда камбағаллар сони ошиб кетди. Таббиркор ва фермерлар солиқ юкини кўтаролмай қолдилар. Охир-оқибатда сайловлар орқали ҳокимият тепасига келган Фидес ўнг партияси аҳволни анча ўзгартирди. Таббиркорликни ривожлантириш эвазига қўшимча 500 мингга яқин иш ўрни яратилди. Эслатиб ўтамиз: Венгрия Европанинг глобал молиявий инқироздан энг кўп зарар кўрган мамлакати бўлиб, ҳатто 2008 йили Будапешт ХВЖдан 25 миллиард АҚШ долларини миқдорда фавқулодда ёрдам сўрашга мажбур бўлган эди. Негаки, ЯИМ 6,3 фоиз пасайгани ҳолда ишсизлик 11,4 фоиз ошганди.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш лозим. Сиёсатшуносларнинг таҳлиллари ХХ асрнинг 50-йилларидан бошлаб ҳозирги кунгача дунёнинг етакчи давлатларига айлانган Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам ҳокимиятни асосан ўнг партиялар бошқараётганларини кўрсатмоқда. Бунинг асосий сабаби Ғарбий Европа жамоатчилигида иқтисодий тараққиётнинг айнан ўнг партиялар фаолияти билан боғланганидир.

Аниқ стратегиянинг йўқлиги, фақатгина радикал ғоялар билан майдонга чиқиш, амалда ўз ваъдаларини бажармаслик, анъанавий кадрлардан воз кечолмаслик ва, ўз навбатида, уларни очик ҳимоя қила олмаслик, либералларнинг ҳар қандай жамоавийлик — тоталитаризм демасдир қабилидаги назариясига ишонмаслик ва айна пайтда бу ғояни инкор қилишдаги иккиланлишлар дунёда сўллар мағлубиятини кучайтира бошлади.

Маълумки, мамлакатнинг халқро майдондаги манфаатларини муносиб



ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлигини оширишга ваъда бериб ҳокимият тепасига келган марҳум президент Лех Качинскийнинг инқирозларда ён қўшниларини айблаш, тарихни қайта кўриб чиқишга қаратилган сиёсати туфайли ҳам Польшанинг Россия ва Германия билан муносабатлари чигаллашган, Европа Иттифоқи доирасидаги интеграция жараёни сўзлашган эди. Табиийки, халқро муносабатларнинг йирик субъектлари билан алоқаларнинг кескин даражада ёмонлашуви ҳам ўрта қатлам аҳолини огирлаштириб қўяди. Фақат «Фуқаролар платформаси» деб аталувчи бош вазир Дональд Туск бошчилигидаги либерал партиянинг зафар кучиб, прагматик сиёсат юритишига вазиятнинг ўнгиланишига олиб келди, дейиш мумкин. Либерал сиёсатчи Тускнинг барча давлатлар билан муносабатларни яхшилаш, ички сиёсатда ишсизлар сонини камайтириш, иш ҳақини Ғарбий Европа даражасига яқинлаштириш борасидаги сиёсати туфайли унинг партияси вакили Борислав Коморовский президентлик сайловларида зафар кутганди.

Одатда ҳар қандай жамиятда аҳолининг ижтимо-

ий муҳофазага муҳтож қатлами давлатнинг иқтисодиётга аралашувини ёқлайдиган сўл йўналишдаги партияларга овоз беришга мойил бўлади. Бироқ кейинги 20 йил ичида Европа мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзга-

ришлар кузатилапти. Сайловчиларнинг у ёки бу партияга овоз бериши билан уларнинг маълум ижтимоий гуруҳга мансублиги ўртасидаги алоқадорлик ҳам бузилиб бораётir. Европадаги аксарият либерал партиялар сайловчиларнинг аниқ

бир ижтимоий гуруҳига эмас, балки таркиби ҳар хил табақа ва қатламлардан иборат электоратни ўз томонига оғдиришга эътибор қаратмоқдаки, натижада улар синфийлик характери-ни йўқотиб, ўз таъбирлари билан айтганда, халқ

партиясига айланиш жараёнини бошлаб юбордилар. Аммо бунга осонликча эришиб бўлмайди. Чунки инсоният бугунга келиб қуруқ ваъдалар ва баландпарвоз шиорлар ўз қадрини йўқотётган даврда яшамоқда.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

Номзоднинг юзи қизарди


Халқро валюта жамғармаси раҳбари Доминик Стросс-Кан терговга қақирилгани туфайли ўз лавозимидан озод этилди. Аммо шунга қарамай, у ўзига қўйилаётган барча айбловларни инкор этишда давом этмоқда. Молиячи ва сиёсатчи, Франция президентлигига номзодлардан ҳисобланган жаноб Кан ўтган шанба кўни Sofitel (Софител) меҳмонхонаси ходимасининг аризасига биноан Парижга учиб кетишига 10 дақиқа қолганида Нью-Йорк аэропортида қўлга олинган эди. Маълумотларга қараганда, у меҳмонхона ходимасини зўрлашга уринган. Агар айбловлар ўз исботини топса, 62 ёшли Стросс-Кан 20 йиллик умрини қамолда ўтказди.

Кўшиқлар ёмғир ёғдиролмаяпти



Айрим ҳудудларда ҳатто кўшиқ орқали ёмғир чақиритишга ҳам уринишлар бўлапти. Аммо бу усул ҳозирча ҳеч қандай самара бераётгани йўқ.

Сўнгги маълумотларга қараганда, ёғингарчиликнинг йўқлиги Хитойнинг шарқий ва жанубий-шарқий ҳудудларида қўроқчиликни юзага келтирган. Маҳаллий ОАВларнинг хабар беришича, қўроқчиликдан миллионлаб киши азият чеқмоқда. Сўнгги 60 йилдан буён бундай ҳолат кузатилмаган эди. Айни вақтда ҳукумат ушбу вазиятга қарши фаол чоратadbirlar амалга оширяпти.



«Галло-рим» Европада биринчи

Бельгиядаги Тонгрен шаҳарчасида жойлашган «Галло-рим» Европанинг жорий йилдаги энг яхши музейи деб топилди. Музейнинг тарихи томошабинларга кириш эшикларини очилган 1954 йилга бориб тақалади. «Галло-рим»нинг расмий сайтида таъкидланишича, музей учун экспонатлар XIX асрдан тўпланган. Таъкидлаш жоизки, бундан бир неча йил аввал музейга мўлжалланган янги бинонинг қурилиш ишлари бошланган эди. Айнан шу жиҳат мазкур музейга гоили бўлиш имконини берган. Эслатиб ўтамиз: «Европа музейи» мукофоти 40 йилдан бери амалда бўлиб, ўтган йили Германиядаги Штральзунд шаҳарчасида жойлашган океанариум ушбу совринини қўлга киритган эди.

O'ZSANOATQURILISHBANK

ДИҚҚАТ-АКЦИЯ !

Фақат 1 апрелдан 30 июнгача
“Ўзсаноатқурилишбанк” VISA GOLD карточкасидан фойдаланинг
ва СУПЕР ЮТУҚ ғолиби бўлинг!

Шунингдек, Сиз қўшимча СОВРИНЛАР эгаси ҳам бўлишингиз мумкин!

ПРОМО-АКЦИЯ **мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилади!**

Акция қатнашчиси бўлишга шовилинг ва нуфузли совғаларни «Ўзсаноатқурилишбанк»дан олиш имкониятини қўлдан бой берманг!

VISA GOLD пластик картончакларни шовилган VISA пластик картончакларда навоҳид имкониятлардан фойдаланиш, қўшимча рағбатдорлик, фойдаланиш ва юқори сифатли хизматларни қўлдан олиш.

Кўшимча маълумотларни www.uzpsb.uz сайтидан ва 120-45-42 телефони орқали олишингиз мумкин.

Беғубор орзулар остонасида

25 МАЙ КУНИ ЮРТИМИЗДАГИ БАРЧА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИДА СЎНГГИ ҚўНФИРОҚ САДОЛАРИ ЯНГРАДИНазokat Усмонова,
ЎЗА мухбири

Мактаб — муътабар даргоҳ. Маънавият, таълим-тарбия, покиза ва беғубор орзулар ошени. Мустақил ҳаёт остонаси, ўқув фанлари билан бирга одамийлик сабогини мурғак қалбларга жо этувчи маскан.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида янги таълим мактаблари барпо этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида янги таълим мактаблари барпо этилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида янги таълим мактаблари барпо этилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида янги таълим мактаблари барпо этилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуумий таълим тизимининг асосий қисми бўлиб, унинг сифати билан келажак авлоди шаклланиб, мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юқориликка эришиши мумкин.

Лаборатория ускуналари билан жиҳозланган ўқув-машғулот хоналари, спорт зали ва стадион ўқувчилар иштирокида. Машғулотларнинг илгир педагогик технологиялар асосида ташкил этилиши ҳар бир ўқувчининг таълим-тарбиясига индивидуал ёндашиш имконини беради.

Булларнинг барчаси ўқувчиларнинг турли фанлар бўйича шахар ва республика миқёсидаги олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этишига хизмат қилмоқда.

Ўқувчилар катта ҳаяжон билан сўнгги қўнғироқ тадбирига йиғилган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради. Байронимиз мағрур ҳилпирайди. Барча билим масканларида бўлгани каби ушбу мактабда ҳам сўнгги қўнғироқ тадбирлари «Буюк ва

муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида ёшларнинг таълим-тарбияси, камолоти йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ, бугунги кунда янги фикрловчи, Ватан тақдир, эртанги кун учун маъсулиятни астойдил ҳис этиётган навқирон авлод вояга етатганини таъкидлашди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, 2010-2011 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг тўққизинчи синфини 591 минг нафар ўқувчи тамомлади. Улар таълимининг навбатдаги — ўрта махсус, касб-хунар тизими билан тўлиқ қамраб олинди. Буларнинг барчаси юртимизда навқирон авлод камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилаётган улкан меҳр ва эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

«Насаф» ўз рекордини янгилади

Ўзбекистон чемпионатининг бронза медали соҳиби — «Насаф» (Қарши) Осиё Футбол конфедерацияси (ОФК) кубоги доирасида кетма-кет эришилган еттинчи ғалабасидан сўнг ўз тарихида биринчи марта мазкур нуфузли мусобақанинг чорак финалига йўл олди.

Аҳамиятли томони шундаки, 1/8 финал босқичида ушбу турнирнинг икки карра соҳиби — Иорданиянинг «Ал Файзали» клубини 2:1 ҳисобида доғда қолдирган қаршилиқлар шу тариқа яқиндагина ўзлари ўрнатган рекордини янгилашга эришдилар. Зеро, «аждарлар»га қадар ҳеч бир жамоа ушбу кўрсаткични бешта ўйилдан ошира олмаганди. Бундан ташқари, Анатолий Демьяненко шогирдлари ОФК кубогининг бир мавсуми мобайнида рақиб дарвозаларини ишғол этиш бўйича 2008 йилда Баҳрайннинг «Ал Муҳаррак» клуби томонидан ўрнатилган 33 та голдан иборат рекордини забт этишга ҳам яқин турибди.

Ишончимиз комилки, гуруҳ босқичида 30 та, «плей-офф» баҳсларининг дастлабки ўйинида эса 2 та тўп киритган «Насаф» футболчилари нафақат голлар сони бўйича «Ал Муҳаррак»дан ўтиб кетишга, балки ОФК кубоги ғолибчилигини қўлга киритишга ҳам муваффақ бўладилар.

Кончилар
Савдо-саноат
палатасига
муружаат
қилдилар

«Навоний тоғ-кон металлургия комбинати» кўп тармоқли ишлаб чиқариш давлат корхонаси экспорт салоҳиятини ошириш, янги истеъмол бозорларини ўзлаштириш ҳамда мамлакат ташқарисидаги корхоналарини ўзаро манфаатли ҳамкорликка чақириш бўйича амалий ёрдам беришни сўраб, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига муружаат қилди, деб хабар беради ССП ахборот хизмати. Шу ўринда НТКМК асосий (олтин ва уран қазиб чиқариш) фаолиятини ташқари, ўз корхоналарида қимматбаҳо металллардан тайёрланган заргарлик буюмлари, мармар плиталар, турли ўлчамдаги полиэтилен қувурлар, пармалаш ва чархлаш дастгоҳлари, кимё соҳаси учун зарур бўлган фосфорит хомашиси ҳамда тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришини айтиб ўтиш жоиз.

52373 қутидан
3090 тонна
пилла

3090 тонна «кумш тола» етиштиришни мақсад қилган бухоролик пиллакорларнинг машаққатли меҳнатлари ўз самарасини бера бошлади. Вилот ҳокимлигидан олинган маълумотга бу йил 52 373 дон қўти ипп қўртини юксак агробиология талаблари асосида парваришланган бухоролик фермерлар кўни-кеча қабул пунктларига хом ашёнинг биринчи намунасини топширганлари таъкидланади.

«Қорабайир»
гўшти қайта
ишлайди

Яккабоғ туманидаги «Яккабоғ-Қорабайир» маҳсулоти чекланган жамиятида Хитойдан келтирилган янги ускуналар ўрнатилган. Бир кеча-кундузда 500 килограмм қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур технологик линия ой охирида тўла қувват билан ишлаб боплайди.

Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, Республикада 26 май-2 июнь кунлари ҳаво очик бўлади, фақатгина 30 май кунли мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида ёмғир ёғиши кутилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади. Ҳафта охирида ҳарорат ўртача 34-36 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Бухоро ва Навоний вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, 27-29 майда ёгингарчилик кутилмайди, 30 майда айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдиқ бўлиши мумкин. Шарқий шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади, момақалдиқ пайтида 15-20 м/с гача кучаяди. Ҳарорат кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. 30 майда айрим жойларда ёмғир ёғиши, момақалдиқ бўлиши мумкин. Шарқий шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади, момақалдиқ пайтида 15-20 м/с гача кучаяди. Ҳарорат кечаси 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиш, момақалдиқ бўлиши мумкин. Шамол ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади, момақалдиқ пайтида 15-20 м/с гача кучаяди. Ҳарорат кечаси 8-13 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

ҲАҚИҚИЙ ҲАЁТ БИЛАН ЯШАНГ!

Простатит — эркекларнинг нормал ҳаёт тарзини
ўзгартириб юборувчи муаммо

Простатит кундан-кунга ёшармоқда! Агар ўн йил аввал у фақат 45 ва ундан катта ёшдаги эркекларда учраган бўлса, эндиликда бу касаллик ташхиси 30 ёшдагиларга ҳам қўйилмоқда. Унинг пайдо бўлишига шартли яратиб берувчи омил простата безида қон айланишининг бузилиши, бунга эса қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- ўтириб ишловчи ҳаёт тарзи;
- организмнинг умумий совуқ қотиши;
- доимий қазбият;
- организмдаги сурункали яллиғланиш ҳолатлари;
- венеролик ва урологик касалликларнинг бошдан кечирилиши.

Ҳаёт тарзидан қатъий назар, ҳеч қайси эркек ўзини сурункали простатит пайдо бўлишидан ҳимоя қилинган деб ҳисоблай олмайд.

Простатит эркек киши ҳаётини ташвишга қўяди! Ушбу касаллик барча аломатлари билан ўткир шомоллаш касаллигини эслатиб, тўсатдан пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бунда аъзон-баданни қаттиқроқ босиши, тана ҳароратининг 39 даражагача кўтарилиши, қориннинг пастки қисмида кучли оғриқ пайдо бўлиши кузатилади. Бироқ қўлича простатит яширин тарзда кечиб, сурункали ривожланиши ҳам мумкин.

Сурункали простатит тўққизинчи кечилиши билан тавсифланади. Ҳарорат қамлан-қам ҳолатларда 37 даражагача кўтарилади. Унга хос бўлган белгилар, яъни оғриқ, ёқимсиз ҳислар ҳам кузатилиши мумкин. Маълум бир вақт ўтгач, простатит эркекнинг тўққизинчи ҳаёт кечирилиши чеклаб қўяди. Бундан ташқари, сурункали простатит эркек кишининг умумий аҳолига салбий таъсир этиб, уни асабий, ҳаждор қилиб қўяди.

Бундай оқибатларни қутиб туриш керакми? Йўқ, албатта!

Айниқса, «ВИТАПРОСТ» каби препарат бўлганда!

«ВИТАПРОСТ»нинг қандай афзалликлари бор?

Ушбу препарат сурункали простатитни даволаш учун яратилган. У шамча қўринишида тайёрланган бўлиб, асосий таъсир этувчи моддаси простат экстрактидир.

«ВИТАПРОСТ» простата безидаги микроциркуляцияни ва секрет ажратиш қисмидаги функциясини яхшилайди, простатининг силлиқ мускулатураси тонусини меъёрга келтирилади.

«ВИТАПРОСТ» шомоллаш жараёнини тўхтатилади, ишчи даражасини қайтарилади ва простатит симптомларидан халос этади, оғриқ ва ноқудайликларни қайтарилади, дизурик ҳолатларга чек қўяди ҳамда простата бези фаолиятини яхшилайди.

«ВИТАПРОСТ»ни қўллаш сизни асоратлар пайдо бўлишидан қутқаради. Препарат фойдаланиш учун жуда қўлай бўлиб, даволаш муолажаси ҳам узок вақт талаб этмайди. 1 кунда 1 та суппозиторийдан фойдаланилади. Муолажа муддати 5-10 кун.

Қўшимча маълумот учун «НИЖФАРМ» ОАВЖнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонасига ёки
www.nizhpharm.ru сайтига муружаат қилинг.
Телефонлар: 140-35-81, 140-35-79.

САЛОМАТЛИГИМИЗНИ ҚАДРЛАЙЛИК!

Маҳсулот сертификатланган.

Б-250-95 №15703 18.01.08 sonli qayd o'tish givohnomasi

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжуд. Қўллашдан аввал йўриқнома билан танишиб чиқинг ва мутахассис шифокор билан маслаҳатлашинг.

Називин®

ОКСИМЕТЗОЛИН

ДЛЯ НОСОВ И НОСИКОВ

Показания

- Лечение острых респираторных заболеваний, сопровождающихся насморком;
- аллергический ринит;
- вазомоторный ринит;
- для восстановления дренажа при воспалении придаточных пазух полости носа, евстахиите, среднем отите;
- для устранения отека перед диагностическими манипуляциями в носовых ходах.

Регистрационное удостоверение П-8-042 №00432; 5-200-06 №06196
Отпускается без рецепта врача
Осложнений: не вызывает
Иммунитет не развивается
Перед применением проконсультироваться с врачом

Мерк КГА Германия для Никомед
Товар сертифицирован

XXI ASR
ЎТТИМОЙ-СИОСИЙ ГАЗЕТА



TADBIKORLAR VA ISHBILARMONLAR
HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙАТИ: Муҳаммадсўф ТЕШАБОВ, Абдурашид ЖУРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баходир ГАНИЕВ, Зиедуппа УБАЙДУЛЛАЕВ,
Илхом НАСИР, Мулла АҚРАҚОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шухрат НОҒИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ,
ТАХРИРИЯТ: Охид РАҲБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зухра АБДУРОВА, Шахзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асхор ИСТАМОВ, Темир АБДУРАХМОНОВ,
Топир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНОВ,
БОШ МУХАБРИ: Миродил АБДУРАХМОНОВ, МАТН ТЕРУВИ: Нигора ЖУРАЕВА,
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия тўғрисида парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80,
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва ёшлар масалалари бўлими — 215-60-45, 255-68-50,
Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАХРИРИЯТ МАЎЛИЛИ: Тошкент, йўқув кўчаси, 73А-уй ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоний кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 1865. Тираж: 16 106
Баҳоси келишилган нархда.
Топшириқчи — 0130

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



Нашриётлар:
Қ.САЙДАЛИЕВ, А.МУЗАФФАРОВ.